

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

**Тармоқ маркази директори**

**О.А.Хасанов**

**“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2015 йил**

**“ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИДА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ”  
МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Малака ошириш курси йўналиши: Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)

Тингловчилар контингенти: Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари

**Тузувчи:**

***Ў.Ғ.Тоиматов – профессор***

**Тошкент – 2015**

## МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР.....	3
МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	19
1-Мавзу: ЭТНИК ВА МИЛЛИЙ МУСИҚА ЧОЛҒУЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ.....	19
2-Мавзу: ЖАҲОНДА МУСИҚА ЧОЛҒУЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТАЖРИБАЛАР.....	25.
3-Мавзу: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЧОЛҒУ ЖАМОАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РЕПЕРТУАРЛАРИ.....	33
АМАЛИЙ МАШғУЛОТЛАР МАЗМУНИ.....	83
ГЛОССАРИЙ.....	85

## ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Ўзбекистонда таълим тизимининг ислоҳ қилиниши мустақиллик даврининг энг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади. Президентимиз шахсий ташаббуси ва бевосита раҳбарлигига тайёрланиб эълон қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз самарасини бермоқда. Зоро, юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмас” эди. Таълим тизимини такомиллаштириш ишларини доимий равишда олиб бориш учун имконият яратиб бераётган Қонун ва Дастурга кўра юртимизда таълим муассасалари педагогларини тайёрлашдаги айrim камчиликларни ҳам бартараф этиш даври этиб келди. Мамлакатимизда ҳозирги кунда яратилган таълим тизими кўплаб хорижий мамлакатлар томонидан тан олиниб, ундан андозалар олиниши ва амалиётга татбиқ этилиши мамлакатимизда яратилган ва синовдан ўтган таълим тизимининг бутун дунёда тан олинганидан далолатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнда “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони эълон қилиниши орқали олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг шу давргача собиқ Совет тизими даврида яратилган тартибига чек қўйиб, янги тизим асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш даврини бошлаб берди. Ушбу тизим замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Мазкур Фармонга кўра янгидан барпо этилаётган тизимда олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари чукур

ўрганилиши, жаҳон тажрибасидаги илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг шакллантирилиши, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллашга тайёрлаш, хорижий тилни амалий жиҳатдан мустаҳкам ўзлаштириш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари билиш, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар қўламини янада кенгроқ ўзлаштириш, технологик тараққиёт ва ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклардан хабардорликни ошириш, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усувларини ўзлаштириш бўйича билим, қўникма ва малакаларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

“Чолғу ижрочилигига жаҳон тажрибаси” модули бўйича тайёрланган мазкур ишчи дастури таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий хуқукий асослари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари хамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруқлари асосида ишлаб чиқилган. Унда чолғу ижрочилигининг анъанавий ва замонавий турларига оид тарихий маълумотлар, шунинг ижрочиликнинг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ маълумотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Чолғу ижрочилигига жаҳон тажрибаси” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини жаҳонда мусиқа чолғуларининг такомиллаштирилиши, чолғу ижрочилигига пайдо бўлган янги чолғу жамоалари, янги ижро услублари билан таништиришдан иборат.

“Чолғу ижрочилигига жаҳон тажрибаси” **модулининг вазифалари:**  
-жаҳонда этник ва миллий чолғуларнинг такомиллаштирилиши ва мусиқа

маданиятида қўлланилиши;

-замонавий мусиқа чолғуларида пайдо бўлган янги ижро услублари ва янги типдаги жамолар фаолияти;

- чолғуларни такомиллаштириш, янги турдаги замонавий чолғу жамоаларини ташкил этиш, ижрочиликда эришилган янги шакл ва услубларни таълим тизимига татбиқ этишга тингловчиларни тайёрлашдан иборатдир.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Чолғу ижрочилигига жаҳон тажрибаси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

-қадимий этник чолғуларнинг миллий ва замонавий мусиқада қўлланилиши;

-анъанавий ва замонавий мусиқий жамоаларнинг репертурлари;

-чолғу ижрочилигига кеийнги даврда яратилган янги мактаблар ва ижро услублари;

-анъанавий ва замонавий мусиқа чолғулари гурухларининг ижодий фаолияти;

-чолғу ижрочиларини тайёрлаш борасидаги энг илғор таълим тизимлари ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

### **Тингловчи:**

-ўз касбий фаолият соҳаларида мусиқа чолғуларининг такомиллаштирилиши ва чолғу ижрочилигига эришилган энг илғор услублар билан боғлиқ билимларни қўллай олиш;

-чолғу ижрочилигига жаҳон мусиқачиларининг ижро маҳорати ва замонавий чолғу жамоаларининг асосий ютуқларини тарғиб қилиш;

-чолғу ижрочилиги муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини тахлил қилиш;

-чолғу ижрочилигидаги жаҳон тажрибасининг энг керакли томонларини

**амалиётда қўллаш кўникмаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

-чолгуларни такомиллаштириш ва ижро маҳоратини ўстириш билан боғлиқ методик кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

-чолгу ижрочилиги йўналишидаги етакчи жаҳон мусиқа жамоалари ва якканавоз созандаларнинг ютуқларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар эришган ютуқларни амалда тўғри қўллаш;

-чолгу ижрочилигининг тараққиёти ва янги ижро услубларини ўзлаштиришга оид муаммоларни аниқлаш;

-чолгу ижрочилиги борасидаги жаҳонда эришилган ютуқларни таълим тизимиға татбиқ этиш борасида олиб борилган тадқиқотларни ҳар томонлама таҳлил этиш;

-ижрочилик услубларини жаҳон мусиқа ижрочилигига эришилган ютуқларга асосланган ҳолда такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

-чолгу ижрочилигига жаҳонда эришилган ютуқларни тарғиб этиш билан боғлиқ ёзма, аудиовизуал манбаларни баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

-чолғу ижрочилигига эришилган ютуқларни қўллашда ижтимоий ўзаро таъсир кўрсатиш;

-чолғу ижрочилигига эришилган ютуқлар билан боғлиқ янги маълумотлар асосида ўкув жараёнини ташкил этиш;

-жаҳон тажрибаси асосида олинган янги билимлар асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;

-чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича жаҳонда эришилган ютуқларга суюнган ҳолда хulosалар бериш;

-курс давомида янгидан ўзлаштирилган маълумотлар асосида чолғу ижрочилигини такомиллаштириш борасида қарорлар қабул қилиш;

**-тизимли - фаолият тавсифидаги компетенцияларни эгаллаши лозим.**

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Чолғу ижроилигида жаҳон тажрибаси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий мусиқа чолғуларидан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, анъанавий ва замонавий чолғуларда ижроилик малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усусларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Чолғу ижроилигида жаҳон тажрибаси” модули мазмуни ўқув режадаги “Чолғу ижроилиги тарихи ва тараққиёти” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг чолғу ижроилиги бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларида чолғу ижроилиги ва мусиқа чолғулари тараққиёти борасида эришилган ютуқлар билан боғлиқ маълумотларни ўзлаштириш, уларни таҳлил этиш, илғор ютуқларни амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетенцияга эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил тальим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Мустакил тальим	
			Жами	Жумладан	Назарий	Амалий машгулот	
1.	Этник ва миллий мусиқа чолғуларидан самарали фойдаланишда жаҳон тажрибаси	2	2	2	-	-	
2.	Жаҳонда мусиқа чолғуларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тажрибалар	6	4	2	2	2	
3.	Хорижий мамлакатларда миллий ва замонавий йўналишида фаолият кўрсатаётган чолғу жамоалари ва уларнинг репертуарлари.	4	4	2	2	-	
4.	Урма зарбли чолғулар ва улардан ташкил топган чолғу жамоаларининг ютуқлари.	2	-	-	2	-	
5.	Дамли чолғулар ва улардан ташкил топган жамоаларининг ижро услубларини ўрганиш	2	-	-	2	-	
6.	Торли чолғуларда ижро маҳоратининг ўсиши билан боғлиқ масалалар.	2	-	-	2	-	
	<b>жами</b>	<b>18</b>	<b>16</b>	<b>6</b>	<b>10</b>	<b>2</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Этник ва миллий мусиқа чолғуларидан самарали фойдаланишда жаҳон тажрибаси (2 соат)**

#### **Режа**

- 1. Дунё халқларининг этник чолғулари.**
- 2. Ўзбек ва дунё халқлари этник чолғуларидаги ўхшашликлар ва тафовутлар.**
- 3. Этник ва миллий чолғулардан анъанавий ва замонавий мусиқада фойдаланиш.**

Дунё халқларининг этник чолғулари. Замонавий мусиқа маданиятида миллий мусиқа чолғуларининг тутган ўрни. Ғарб ва Шарқ мусиқа чолғуларидаги тафовут ва ўхшашлик масалалари. Дунё этник чолғуларини такомиллаштириш ва замонавий мусиқада кўллаш бўйича тажрибалар. Қадимий ва этник чолғуларнинг замонавий мусиқа маданиятидаги ўрни. Чолғу ижрочилигининг ривожланиши ва ижро услубларининг такомиллашувида халқаро танлов ва фестивалларнинг ўрни. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг дунё халқлари этник ва миллий чолғуларининг тарғиботидаги аҳамияти. Шарқ халқларида тарқалган дуторсимон чолғуларда ижро штрихлари. Ижро малакасини ўстиришда бошқа халқларда тарқалган услублардан самарали фойдаланиш. Дунё халқлари дамли чолғулари ижросида нафас қайтариш услуби. Сурнайсимон ва найсимон чолғулар. Марказий Осиёда тарқалган мусиқа чолғуларининг жаҳон мусиқа чолғуларининг ривожига таъсири. Қўбиз ва қўбизсимон чолғуларнинг Европа мусиқа маданиятига таъсири. Уд ва удсимон чолғулар. Чангсимон чолғулар. Жаҳон этник ва миллий чолғуларида яратилган янги ижро услубларини таҳлил қилиш ва таълим тизимиға татбиқ этиш масалалари.

## **2-Мавзу: Жаҳонда мусиқа чолғуларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тажрибалар (2 соат)**

### **Режа**

- 1. Миллий ва этник чолғуларни такомиллаштириш тажрибалари.**
- 2. Классик ва замонавий чолғуларни такомиллаштириш борасидаги тажрибалар.**
- 3. Такомиллаштирилган ва қайта ишланган мусиқа чолғуларининг ҳозирги кун жаҳон мусиқа маданиятидаги ўрни.**

Дамли чолғуларни такомиллаштириш тажрибалари. Дунё халқарининг дамли ва урма чолғуларини тарғиб этиш ва такомиллаштиришда мултиинструменталист (кўплаб чолғуларда ижро эта оладиган) мутахассисларнинг ўрни. Владисвар Надишана тажрибалари ва ижро услублари. Этник чолғуларда ижрочиликни тарғиб этишда замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш. Этник чолғуларини такомиллаштиришда ва тарғиб этишда чолғу ижрочилари бирлашмалари ва уюшмаларининг роли. Анъанавий чолғулардан таълим тизимида ва профессионал ижрочилик фойдаланиш масалалари. Миллий чолғулардан эстрада жанрида фойдаланиш тажрибалари. Фольклор чолғулари, уларни сақлаб қолиш ва таълим тизимиға киритиш масалалари. Симфоник оркестрларда фойдаланилайдиган чолғуларни такомиллаштириш тажрибалари. Чолғуларни такомиллаштиришда овоз кучайтириш мосламалари имкониятларидан фойдаланиш услублари. Классик ва замонавий чолғуларни такомиллаштириш орқали уларни эстрада ансамбллари ва оркестрларида фойдаланишнинг истиқболлари ва салбий ҳолатлар. Такомиллаштирилган мусиқа чолғуларининг дунё халқлари мусиқаси ва эстрада мусиқаси тарғиботидаги ўрни.

### **3-Мавзу: Хорижий мамлакатларда миллий ва замонавий йўналишда фаолият кўрсатаётган чолғу жамоалари ва уларнинг репертуарлари (2 соат)**

#### **Режа**

- 1. Европа классик мусиқаси тарғиботида симфоник оркестрларнинг ўрни.**
- 2. Этник чолғулардан ташкил топган ансамбллар ва оркестрларнинг миллий мусиқа тарғиботидаги аҳамияти.**
- 3. Жаҳон халқлари чолғу жамоалари репертуарини ўрганиш, таҳлил қилиш ва таълим тизимида фойдаланиш масалалари.**

Европа классик мусиқасининг тарғиботи билан шуғулланаётган энг илғор симфоник оркестрлар. Шарқ мамлакатларида фаолият кўрсатаётган энг таниқли симфоник оркестрлар ва уларнинг репертуарлари. Германия симфоник оркестрлари. Германияда оркестр чолғучиларини тайёрлаш тизими. Этник чолғулардан ташкил топган ансамбллар. Халқ мусиқасини тарғиб этиш, янги услугуб ва жанрларни яратишда этник чолғуларнинг ўрни. Шарқ ва Шимол халқлари мусиқасига қизиқишининг ортишида этник чолғу исамбларнинг роли. Корейс этник чолғулари оркестирида қўлланадиган мусиқа чолғулари ва уларнинг ўзбек миллий чолғуларига ўхшашлиги масалалари. Ўзбек фольклор чолғуларидан замонавий ижрочиликда фойдаланиш тажрибалари. Дунё халқлари чолғу жамоаларининг турлари ва ижро услублари. Дунё халқларининг якканавозлари ва чолғу жамоалари репертуаридан Ўзбекистон мусиқий таълим тизимида фойдаланиш истиқболлари.

#### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Маъruzadan сўнг режалаштирилган дастлабки икки мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар қуий

келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалашибирлган масалалар педагог томонидан маҳсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек мусиқа чолғуларидан амалий фойдаланиш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

**Мавзу: Урма зарбли чолғулар ва улардан ташкил топган чолғу жамоаларининг ютуқлари (2 соат)**

**Режа**

1. Урма чолғу якканавозлари ва урма чолғулардан ташкил топган ансамбллар.
2. Урма чолғулардан замонавий мусиқа ижрочилигига фойдаланиш истиқболлари.
3. Урма чолғуларда эришилган ижро техникасидан мусиқий таълим тизимида самарали фойдаланиш масалалари.

**Мавзу: Дамли чолғулар ва улардан ташкил топган жамоаларининг ижро услубларини ўрганиш (2 соат)**

**Режа**

1. Энг илғор дамли чолғу ижрочилари ва дамли чолғулардан ташкил топган энг намунали жамоалар фаолияти ўрганиш.
2. Дамли чолғуларда ижро техникасининг ўсиш босқичлари
3. Замонавий ва анъанавий дамли чолғулардаги эришилган ижро техникасидан мусиқий таълим тизимида самарали фойдаланиш масалалари.

**Мавзу: Торли чолғуларда ижро маҳоратининг ўсиши билан боғлиқ масалалар (2 соат)**

**Режа**

1. Торли чолғуларда ижро техникаси
2. Торли чолғулардан ташкил топган анъанавий йўналишдаги жамоалар.
3. Камер оркестрларнинг Европа классик мусиқаси тарғиботидаги ўрни.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

**Мавзу: Жаҳонда мусиқа чолғуларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тажрибалар (2 соат)**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- тарихий манбалардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида мавзуни ўрганиш;
- Жаҳон мусиқий таълим тизимида, янгидан ташкил этилаётган чолғу жамоаларида фойдаланилаётган чолғуларни ўзбек чолғулари билан таққослаш асосида хulosалар чиқариш;
- жаҳонда миллий ва этник чолғуларнинг такомиллашиш ёки йўқолиб кетиш сабабларини ўрганиш;
- эълон қилинган танқидий материаллар асосида мустақил қарор қабул қилиш устида ишлаш;
- жаҳонда мусиқа чолғуларининг такомиллашуви ва мусиқа чолғуларида ижрочиликда янгидан пайдо бўлган услубларни таълим тизимига татбиқ этиш жараёнига ўз муносабатини ёзма баён этиш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раҳбарий адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқдол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёsat, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.

7. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пиравард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
13. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
14. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пиравард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. - 176 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” гезатаси 2009 йил 14 февраль.
17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози 2010 йил 28 январь.

18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Т.18. -280 б.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

## **II. Меъёрий- ҳуқуқий хужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрельда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533- сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан

ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўкув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343 сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 декабрдаги “Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўкув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида”ги ПФ-1692-сон Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 16 апрелдаги “Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида”ги ПФ-3052-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-910-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

### **III. Махсус адабиётлар.**

1. Йўлдошев Т. Уд дарслиги. - Т.: Дарслик. 2008. – 346 б.
2. Одилов А. “Чанг” - Т.: Ўқув қўлланма, 2002. – 285 б.
3. Раҳимов Ш. Чолғу ижроилигига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.
4. Турапов З. Дутор бас. - Т.: Ўқув қўлланма, 2004. – 211 б.
5. Усмонов К. “Рубоб дарслиги” - Т.: Дарслик, 2004. – 312 б.
6. Шарипов Н. “Рубоб примада ижро этишни ўрганиш методикаси” - Т.: Дарслик, 2002. – 295 б.
7. Эргашев F. “Афғон рубоби дарслиги” - Т.: Дарслик, 2004. – 362 б.
8. Қосимов Р. “Анъанавий танбур ижроилиги” - Т.: Ўқув қўлланма, 2002. – 258 б.

### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/](http://www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/)
5. [www.learnenglishteens.britishcouncil.org/](http://www.learnenglishteens.britishcouncil.org/)
6. [www.learnenglish.britishcouncil.org/en/](http://www.learnenglish.britishcouncil.org/en/)
7. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
8. [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz)
9. [www.conservatory.uz](http://www.conservatory.uz)
10. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
11. [www.uzdsmi.uz](http://www.uzdsmi.uz)
12. [www.uzdsmimarkaz.uz](http://www.uzdsmimarkaz.uz)
13. [www.classicmuzic.uz](http://www.classicmuzic.uz)

## КАЛЕНДАРЬ-МАВЗУЙ РЕЖА

№	МАВЗУЛАР	Машғулот турлари			Муддати
		Назарий	Амалий	Мустақил таълим	
1.	Этник ва миллий мусиқа чолғуларидан самарали фойдаланишда жаҳон тажрибаси	2			
2.	Жаҳонда мусиқа чолғуларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тажрибалар	2			
3.	Жаҳонда мусиқа чолғуларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тажрибалар		2		
4.	Жаҳонда мусиқа чолғуларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тажрибалар			2	
5.	Хорижий мамлакатларда миллий ва замонавий йўналишда фаолият кўрсатаётган чолғу жамоалари ва уларнинг репертуарлари.	2			
6.	Хорижий мамлакатларда миллий ва замонавий йўналишда фаолият кўрсатаётган чолғу жамоалари ва уларнинг репертуарлари.		2		
7.	Урма зарбли чолғулар ва улардан ташкил топган чолғу жамоаларининг ютуклари.		2		
8.	Дамли чолғулар ва улардан ташкил топган жамоаларининг ижро услубларини ўрганиш		2		
9.	Торли чолғуларда ижро маҳоратининг ўсиши билан боғлиқ масалалар.		2		
<b>Жами</b>		<b>6</b>	<b>10</b>	<b>2</b>	

## МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

### **1-Мавзу: ЭТНИК ВА МИЛЛИЙ МУСИҚА ЧОЛҒУЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ**

#### **Режа**

1. Дунё халқларининг этник чолғулари.
2. Ўзбек ва дунё халқлари этник чолғуларидағи ўхшашликлар ва тафовутлар.
3. Этник ва миллий чолғулардан анъанавий ва замонавий мусиқада фойдаланиш.

**Мавзуга оид таянч иборалар:** чолғулар таснифи, дамли чолғулар, урма чолғулар, торли чолғулар, фольклор чолғулари, кўхна (қадимий) чолғулар, этник чолғулар, чолғу гурӯҳи, чолғу оиласи.

Мусиқа – сўздан фарқли равишда таржимасиз тушунилгани сингари, мусиқий чолғулар ҳам миллий чегара ёки давлат чегараларини тан олмаслигини биламиз. Бунга, биз ўзбек миллий чолғулари сифатида биладиган қўпчилик мусиқий чолғуларнинг бошқа халқларда ва айнан шундай ёки бир оз ўзгарган қўринишда учраши мисол бўлиши мумкин. Мусиқа – умуминсоний маданиятнинг бир қисми бўлганлигидан мусиқани яратувчи чолғулар маънавий муштаракликка етакловчи восита сифатида талқин этилиши учун асос бор. Айниқса, энг содда мусиқа чолғуларининг ер шарининг турли бўлакларида учраши, уларнинг оддий халқ қўлида минглаб йиллар давомида сақланиши кишини лол қолдиради. Бу содда чолғулардаги ижро имкониятининг чегараланганлиги, уларда ижро этиладиган мусиқий мавзуларнинг бир-биридан тубдан фарқ қилишидан қатъий назар ҳар бир халқнинг миллий оҳангларини ифодалай билиш хусусиятлари шу чолғуларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Масалан, ўзбеклар чангкўбиз деб атайдиган содда, қадимий чолғу қирғизларда темир қўбиз деб аталса, бошқа халқларда яна бошқа номда учрайди. Унинг садоси шимол халқлари ижросида ҳам, фин ёки

олмонларнинг ижросида ҳам бир-бирига жуда яқин оҳангларни таратади. Мусиқа чолғуларининг “қариндошлиқ” аломатлари уларнинг ёйилиш ҳудудлари орасидаги маданий алоқалар, оммавий миграция ёки босқинчилик урушларининг йўналишларини ҳам кўрсатиши мумкин. Мисол учун, шимол халқлари шомонларининг илохий чолғуси бўлган доирасимон чолғу бир оз кичикроқ шаклда ўзбек ва тожикларда “дойра” номи билан яшаётган бўлса, кавказ халқлари ва туркларда яна ҳам кичикроқ кўринишида, симфоник ва европа халқлари чолғу оркестрларида эса гардишига шақилдоқлар ўрнатилган “бубен” чолғуси кўринишида учрайди. Дойра чолғусининг шимолий халқлар шомонларининг илохий алоқа воситасида ишлатишига ўхшаш ҳолат ўзбекларда ҳам ҳозирги давргача сақланиб қолган. Анъанавий дойралардан фарқ қиласиган маҳсус дойралар фактат аёллардан иборат “ҳалқа” ёки “олқа” деб аталадиган “кўчириқ” диний маросимларда арвоҳлар билан алоқа боғлашга ёрдам берувчи восита сифатида кўлланилишини биламиз. Мазкур маросимлар даврида қурбонлик қилинган ҳайвон ёки парранда қонидан дойранинг тери қисмига маълум шакллар чизиб, қонни янгилаш маросимини ўтказиш ҳам жуда қадимиј даврлардан сақланиб қолган. Бу маросимлар ислом дини Ўрта Осиёга кириб келишидан олдинги даврлардан меърос бўлсада, ҳозиргача яшаб қола олганлиги билан ҳайратланарлидир. Дойрани шу сифатда ишлатиш ҳодисаси унинг шомонлар чолғуси билан қайсиdir даражада алоқадорлигидан далолат беради. Баъзи чолғулар эса ўз номини сақлаб қолгани ҳолда бошқа халқларда кўриниши жиҳатдан кескин ўзгаришларга учраганини кузатиш мумкин. Рус халқ чолғулари сифатида эътироф этиладиган зурна (сурнай), домра (домбира), накри (нофора)лар шулар жумласидандир. Ўзбек баҳшиларининг доимий ҳамроҳи бўлган дўмбира чолғуси домра деб аталадиган рус халқ чолғусининг “қариндоши” эканлигини исботловчи қуйидаги ҳодиса Е. И. Максимовнинг “Российские музыканты-самородки” китобида келтирилади. Рус дайди мусиқачилари - “скоморох”ларни таъқиб қилиш ва халқ чолғуларида ижрони таъкидаш тўғрисидаги шоҳ Алексей Михайловичнинг 1648 йилги фармони ва Пётр I нинг машхур реформалари натижасида кўплаб мусиқа чолғулари

қаторида домра ҳам созандалардан мусодара қилинган ва ёкиб юборилган эди. Рус халқ чолғулари кейинчалик бошқачароқ кўринишда яна пайдо бўла бошлади ва бизга маълум бўлган домра чолғуси косахонаси учбурчак шаклга келтирилиб, “балалайка” номи билан ишлатила бошлади. Машҳур рус халқ чолғулари тарғиботчиси В. В. Андреев рус миллий чолғуларини тиклаш жараёнида Вятск губерниясида амалиётда бўлган шогирди Мартинов томонидан 1895 йилда олиб келинган, у ердаги чордокдан топилган қадимий домра чолғуси асосида ҳозирда истеъмолдаги домра чолғуси ва унинг оиласини яратган. Юқорида келтирилган воқеалар тизимиға асосланиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, рус халқ чолғулари оркестрида асосий чолғу ҳисобланган балалайка ва домраларнинг барчаси бизнинг худудимиизда деярли дастлабки кўринишни сақлаб қолган дўмбира чолғусининг “набиралари” бўлади.

Мусиқа чолғуларининг муайян бир ҳудудда сақланиб қолиши ва такомиллашувига ўша ердаги хукмдорларнинг санъатга ва хусусан миллий чолғу ижрочилигига бўлган муносабатлари ҳам катта таъсир қўрсатган. Тарихдан маълумки, Амир Темур ўзи забт этган мамлакатлардан олиму-фузалолар, шоирлар, қўли гул усталар қаторида соҳиби соз аҳлининг энг моҳирларини ҳам Самарқандга келтирғанлар. Дарвиш Алиниңг “Тухвату-ассуур” номли асари гувоҳлик беришича, Улуғбек Мирзонинг ўzlари ҳам мусиқий олимлардан саналган. Алишер Навоий яшаган даврда хукмронлик қилган Хусайн Бойқаро ҳам Ҳиротда санъатнинг гуркираб ривожланишига йўл очган. “Қаерда комрон комраво бўлса, халқ комрона яшайди”- деган фикр шундан туғилган бўлса керак. Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” асарида ёзилишича, ҳижрий 970 йилда хонлик таҳтига ўтирган машҳур ўзбек хони Абдуллохон замонида мусиқа санъатига, мусиқа асбобларига бўлган қизиқиш бағоят ўсиб, ўзбек мусиқа дунёсида уд, қонун, танбур, чанг, най, рубоб, қўбуз, ғижжак, ишрат кунгура, сетор, руҳафзо, сурнай, балабон, ноғора, дойра каби чолғулар кенг ривожда бўлган. Муҳаммад Раҳимхон I замонида ҳам маданият ва санъат гуркираб яшнаган. Хоннинг ўғли Оллоқулихон ( 1825–43- йилларда Хива хони бўлган) ҳам моҳир ғижжакчи

бўлган экан. Айниқса, Муҳаммад Раҳимхон I нинг невараси Бобожон тўра – Муҳаммад Раҳимхон Соний Феруз замонида Хоразмда санъат янада юксак поғонага кўтарилган. Ферузнинг санъатга, хусусан мақомларга бўлган эътиқоди боис мақомларни жазолаш тўғрисидаги фармон ҳам чиқарилган. Ҳукмдорларнинг ўз саройларида созанда ва хонандаларни сақлаш, созандалар санъатининг турли давлатлардан келган элчилару, меҳмонларга намойиш этилиши ҳам мусиқа чолғулари ва созандаларнинг давлатлараро маънавий-маданий алоқалар боғлаш ишида иштирок этганилигини кўрсатади. Эрамизнинг III асрларига оидлиги исботланган, Сурхондарё воҳасининг Далварзинтепа қазилмаларида ўз аксини топган уд чолғуси ҳозирги кунда шарқ халқларининг энг кенг тарқалган чолғуси сифатида фойдаланиб келинаётгани ҳолда, унинг анчагина кичик кўринищдаги намунаси Ўрта ер денгизи шимолидаги халқларда “мандолина” ёки дастаси бир оз узайтирилган кўринищда “бузуки” чолғуларининг дунёга келишига асос бўлган. Араблар томонидан Испаниянинг жануби босиб олиниши натижасида бизга маълум бўлган уд чолғуси ўз кўринишини бир оз ўзгартириб гитара чолғуси сифатида XIII асрда дунёга келишига сабаб бўлган.

Мусиқа чолғуларининг ер юзининг турли қисмларига тарқалиши ва такомиллашувида Буюк Ипак Йўлининг ҳам аҳамияти чексиздир. Ушбу алоқа йўли орқали халқлар ўртасидаги сиёсий алоқалар, савдо–сотиқ ишлари билан бир қаторда маданий алоқалар, хусусан санъат йўлидаги алоқалар ҳам ривожланган.

Хулоса шуки, жуда қадим даврлардан буён мавжуд бўлган турли-туман мусиқа чолғуларининг сақланиб қолиши ва такомиллашуви учун биз яшаб турган ҳудудимизда маълум шарт-шароит яратилган. Бунга миллий чолғуларимизнинг ранг-баранглиги исбот бўлади. Самарқан шаҳри яқинидаги Мўминобод қишлоғи ҳудудидан топилган, ёши 3 – 3 ярим минг йил деб тахмин қилинган, суяқдан ясалган най чолғусининг шунга яқин кўринищда ҳозирги кунда ҳам Сурхондарёнинг Бойсун туманида “ғажир най” номи билан фойдаланиб келинаётганлиги, қадимий мусиқий чолғуларимизни ўрганиш,

тахлил этиш заминимизда яшаб ўтган ота-боболаримиз билан маънавий муштарақлигимизни мустаҳкамлашимиз асос бўлиши мумкин.

Дунё халқларининг этник чолгулари. Замонавий мусиқа маданиятида миллий мусиқа чолгуларининг тутган ўрни. Ғарб ва Шарқ мусиқа чолгуларидаги тафовут ва ўхшашлик масалалари. Дунё этник чолгуларини такомиллаштириш ва замонавий мусиқада қўллаш бўйича тажрибалар. Қадимий ва этник чолгуларнинг замонавий мусиқа маданиятидаги ўрни. Чолғу ижрочилигининг ривожланиши ва ижро услубларининг такомиллашувида халқаро танлов ва фестивалларнинг ўрни. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг дунё халқлари этник ва миллий чолгуларнинг тарғиботидаги аҳамияти. Шарқ халқларида тарқалган дуторсимон чолгуларда ижро штрихлари. Ижро малакасини ўстиришда бошқа халқларда тарқалган услублардан самарали фойдаланиш. Дунё халқлари дамли чолгулари ижросида нафас қайтариш услуби. Сурнайсимон ва найсимон чолғулар. Марказий Осиёда тарқалган мусиқа чолгуларининг жаҳон мусиқа чолгуларининг ривожига таъсири. Кўбиз ва қўбизсимон чолгуларнинг Европа мусиқа маданиятига таъсири. Уд ва удсимон чолғулар. Чангсимон чолғулар. Жаҳон этник ва миллий чолгуларидаги яратилган янги ижро услубларини таҳлил қилиш ва таълим тизимиға татбиқ этиш масалалари.

### **Мавзу бўйича саволлар:**

1. Дўмбира чолгуси қайси чолгуларнинг пайдо бўлишига асос бўлган?
2. Уд чолгуси қайси халқларда кенг фойдаланилади?
3. Сурнайсимон чолғулар қайси халқларда учрайди?
4. Чанқўбиз чолгуси Ғарбда қандай номланади?
5. Шодландларнинг энг севимли дамли чолғусини биласизми?
6. Ўзбек мусиқасида қайси этник чолғулар фойдаланилмаяпти?
7. Араблар “ребаб” деб қайси чолғуни атайди?
8. Корейсларнинг сепири чолгуси қайси ўзбек чолғусига ўхшайди?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ал-Фараби. Трактаты о музыке и поэзии Пер.с арабского.— Алматы: Гилим, 1993.
2. Р.Абдуллаев Байсун (Традиционная музыкальная культура). Т.: 2006

3. Женевьев Дурнон Аньанавий мусиқа ва мусиқа чолғуларини түплаш бўйича қўлланма. Юнеско нашри 2003

## **2-Мавзу: ЖАҲОНДА МУСИҚА ЧОЛҒУЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТАЖРИБАЛАР**

### **Режа**

1. Миллий ва этник чолғуларни такомиллаштириш тажрибалари.
2. Классик ва замонавий чолғуларни такомиллаштириш борасидаги тажрибалар.
3. Такомиллаштирилган ва қайта ишланган мусиқа чолғуларининг ҳозирги кун жаҳон мусиқа маданиятидаги ўрни.

**Мавзуга оид таянч иборалар:** сунъий чолғулар, дамли чолғулар, урма чолғулар, торли чолғулар, мезробли (плекторли) чолғулар, камонли чолғулар, оркестр, чолғу ансамбли, камер оркестри, камер ансамбли, такомиллаштирилган чолғулар, қайта тикланган чолғулар, чолғу гурухи, чолғу оиласи.

Ушбу мавзуни ёритишида қуйидаги масалалар қамраб олиниши мўлжалланган:

Дамли чолғуларни такомиллаштириш тажрибалари. Дунё халқларининг дамли ва урма чолғуларини тарғиб этиш ва такомиллаштиришда мултиинструменталист (кўплаб чолғуларда ижро эта оладиган) мутахассисларнинг ўрни. Владисвар Надишана тажрибалари ва ижро услублари. Этник чолғуларда ижрочиликни тарғиб этишда замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш. Этник чолғуларини такомиллаштиришда ва тарғиб этишда чолғу ижрочилари бирлашмалари ва уюшмаларининг роли. Анъанавий чолғулардан таълим тизимида ва профессионал ижрочилик фойдаланиш масалалари. Миллий чолғулардан эстрада жанрида фойдаланиш тажрибалари. Фольклор чолғулари, уларни сақлаб қолиш ва таълим тизимиға киритиш масалалари. Симфоник оркестрларда фойдаланиладиган чолғуларни такомиллаштириш тажрибалари. Чолғуларни такомиллаштиришда овоз кучайтириш мосламалари имкониятларидан фойдаланиш услублари. Классик ва замонавий чолғуларни такомиллаштириш орқали уларни эстрада ансамблари ва оркестрларида фойдаланишнинг истиқболлари ва салбий ҳолатлар. Такомиллаштирилган мусиқа чолғуларининг дунё халқлари мусиқаси ва эстрада мусиқаси тарғиботидаги ўрни.

Араблар ўз қадимий дамли чолғуларини “най” деб атайдилар. Бу чолғулар Миср фирмъавнлари ҳукмронлик қилган даврларда пайдо бўлганлиги учун ён томонида тешик очилмаган найларни улар “ фирмъавн найи” деб аташади. Ҳозирда ишлатиладиган найлар махсус «буус» деб аталадиган қамишлардан тайёрланади. Бу қамишларнинг бўғинлари жуда қисқа бўлиб, ҳар бир найда 9 та бўғин бўлиши шарт. Чолғунинг энг пастки бўғинида тешик очилмайди, 8-бўғинда 2 та, 7- бўғинда 2 та, 6- бўғинда яна 2 та, жами 6 дона тешик очилади. Бу тешиклар очилган томонининг тескарисидан, 5- бўғинда яна битта тешик очилади. Бу тешик фақат лозим бўлгандагина ишлатилиб, асосий куй устки томондаги тешикларни очиб-ёпиш орқали ҳосил қилинади. Араблар ишлатадиган найлар уларнинг 7 мақоми номи билан аталади ва ҳар бир чолғу маълум бир баландликдаги товушга созланган бўлади. Булар:

- Рост - до
- Дока - ре
- Бусалик - ми
- Гоҳарко - фа
- Наво - соль
- Ҳусейний - ля
- Ажам – си бемоль

Ҳиндлар ишлатадиган найлар уларда қўлланиладиган товуш қаторининг барча товушлари асосида тайёрланиб, ишлатиладиган найларнинг сони 24 тагача етади.

Манзур. Бу мусиқий чолғу янги ҳисобланади, чунки танбур билан тор чолғулари оралиғидаги товуш садосига эга бу чолғу бундан 1989 йилда Тошкентлик чолғу устаси Мухаммадназир Юнусов томонидан тажриба тариқасида яратилган. Созандалар ўртасида жуда кенг тарқалмаган бўлсада, Ўлмас Расулов, Абдуҳамид Мирҳамидов томонидан ижро этиб Ўзбекистон Радиосининг олтин фондига ёздирилган мусиқий асарлар мазкур чолғунинг садоланиши жихатидан танбур билан озарбайжон торининг ўртасида яратилганлигини англаш мумкин. Манзурни чалишда ишлатиладиган мезроб

ҳам ўзига хос услубда пластик тордан тайёрланади. Унинг товуш тембри жуда паст бўлиб, созандалар ансамблида фойдаланиш имконияти чегараланган. Шунинг учун ҳам бу чолғудан аксарият ҳолларда мусиқий ёзувлар пайтида, овоз кучайтириш мосламалари мавжуд шароитда фойдаланилади. Чолғунинг товуш қатори хроматик тарзда, боғлама пардалар билан белгиланган. Манзурнинг биринчи жуфт торлари кичик октава соль товушига, иккинчи торлари кичик октава ре, учинчи торлари эса катта октава ля товушига созланади. Бошқача қилиб айтганда, манзур чолғуси қашқар рубобидан бир тон паст созланади. Унда ижро этиш техникаси қашқар рубоби ва озарбайжон торига яқин бўлиб, манзур торларининг жуда таранг тортилмаганлиги унда, пардаларни эзиш ҳисобига, чукурроқ нолаларни ҳосил қилиш имконини беради.

Мусиқа чолғулари усталари, яъни созгарлар доимо турли тажрибаларга қўл уриб чолгуларни мукаммаллаштириш, ижро имкониятини янада кенгайтириш, садосини яхшилаш, кўринишини такомиллаштириш, турли безаклар билан безашга ҳаракат қилиб келганлар. Шу билан бир қаторда баъзи созгарлар маълум муддат истеъмолда бўлиб кейинчалик унутилган чолгуларни қайта тиклаш ва уларга янгидан ҳаёт бағишлиш йўлидан ҳам бориб, маълум муваффақиятларга эришган ҳам. Санъатшунослик доктори, профессор Абдуманон Назаров берган маълумотларга кўра қадимда биз яшаб турган заминда қўлланилган ва кейинчалик истеъмолдан чиқкан анча-мунча мусиқа чолғулари мавжуд экан. Уларнинг маълум қисми қўйидагилардир:

Ятуғон - қонунсимон, кўп торли чолғу. У гўё ётқизиб қўйилган қонунни эслатади.

Пипа - ҳозирда шарқ халқлари, хусусан Хитойда кенг тарқалган чолғу. Бу чолғу аслида руд, уд, барбад номлари билан аталадиган уд чолғусининг ладли туридир.

Шоҳруд - қонун ва чангга ўхшаш кўп торли чолғу.

Мусиқор -кўп найчалар ёнма-ён жойлаштирилган Пан флейтаси.

Бурғу - ҳайвонларнинг узун шохидан ясалган дамли чолғу. Бурғусимон

чолғулар русларда ҳам учрайди. Улар турли катталиқдаги шохлардан фойдаланиб турли товуш баландлиги ва тембрига эга чолғу оиласини ҳам яратгандар.

Қироқ - камонли торли чолғу.

Науба- довул ва ноғорага ўхшаш урма зарбли чолғу.

Жаложил - шиқилдоқ. Европа халқарида ишлатиладиган бубен чолғусига ўхшаш. Унда думалоқ холга келтирилган қасқонга тери тортилиб, қасқоннинг ичкари томонига ҳиқилдоқлар осилади.

Чиндовул - хитой довули. Чиндовулни тувак қисми металлдан ҳам ясалган.

Даф - ҳозирги дойранинг турларидан бири.

Рұхафзо - торли, мезроб билан чалинадиган чолғу.

Тунбак - Эрон ва Хиндистанда ишлатиладиган урма зарбли чолғу. Бу чолғулар билан бир қаторда Қуръони Каримда номлари тилга олинган - Нафир (дамли чолғу), Ноқур (зарбли чолғу), Сафир (дамли чолғу)лар ҳам қадимда отабоболаримиз томонидан ишлатилган деган фикрлар мавжуд.

Миниатюраларда тасвиirlанган созларга ўхшатиб 1985 йили ilk марта ўйма дутор ясалган эди. Ушбу созни янада такомиллаштириш натижасида янги мумтоз ўзбек чолғуси «Қўштор» дунёга келди.

1991 йилнинг 24 августида ўтказилган ҳунармандларнинг халқ амалий санъат кўргазмасида «Қўштор» чолғуси намойиш этилди ва фахрли 1- ўринни олишга эришилди. Андижон вилояти ҳокимлиги устанинг камтарона меҳнатига юксак баҳо бериб, «Фахрий Ёрлик» ва рангли телевизор билан мукофотлади. Бундай эътибор устани янгидан-янги чолғуларни яратишга даъват этиб руҳлантириб келмоқда. Ўша вақтда яратилган «Қўштор» созининг кўриниши тарихий созларнинг нусхаларидан олинган бўлиб, бу чолғунинг дутордан фарқли жойи унинг шаклида ҳамда ўймалигида, шунингдек, яхлит ёғочдан ишланганлиги, товуш тембри, оҳангининг ёқимли эканлигидадир. Чолғунинг товуш оралиғида ҳам дутордан фарқ мавжуд бўлиб, бу соз кўпроқ анъанавий миллий-мақом куйларини ижро этишга мўлжалланган.

Ғижжаки Бобурий созининг яратилиши ҳамда унинг тайёрланиши вақтида

камонли ва чертиб чалинадиган созларнинг миниатюра асарларидағи тасвири асос қилиб олинди. Мазкур чолғу IX-XVI асрларда қўлланган созлар туркумiga киради. У ҳақидаги айрим маълумотлар Темурийлар сулоласига мансуб бўлмиш Бобурийлар давридан бизгача етиб келган баъзи хужжатларда ўз аксини топган. Бу сознинг биз тиклаган, такомиллашган нусхаси учун тарихий рубоб ва ғижжак созининг миниатюрадаги шакллари катта ёрдам берди. Бугунги кундан сознинг барча талабларга тўла жавоб берувчи уч хил нусхаси (варианти) яратилди ҳамда барча синовлардан муваффақиятли ўтди. Янги сознинг биринчи ўйма нусхаси 1985-86 йиллари юзага келди. 1991 йили илмий нуқтаи назардан ўрганилган, ҳар томонлама такомиллашган иккинчи нусхаси дунёга келди. Созга Андижонда бўлиб ўтган санъаткорлар ва санъат шинавандаларининг катта йиғилишида «Ғижжаки Бобурий» деб ном берилиди. Темурийлар сулоласи давридаги созлар туркумiga кирувчи бу сознинг тикланишида улуг бобокалонларимиз рухлари мададкор бўлган бўлса ажаб эмас. Сознинг математик (геометрик), физик, кимёвий томонлари ҳисоблаб чиқилди ва аниқ ўлчовлар асосида иш олиб борилди. Унинг синовида товушнинг жарангдорлиги, тозалиги, ёқимли, юмшоқ, мунгли ва ҳамоҳанглигига катта эътибор берилиди. 1994 йилда эса чолғунинг бўғиз қисмига баъзи ўзгартиришлар киритилди. Бу соз янги чизма асосида тайёрланди ва амалиётда тўлик синаб кўрилди. Қуйидаги тасвирида синовдан ўтказилган «Ғижжаки Бобурий» созининг такомиллашган нусхаси акс эттирилган (созни тайёрлаган усталар Абдумалик, Абдураҳмон ва Сардорбек Мадраимовлар).

«Хушнаво» – тарихий чангнинг бугунги кундаги янги яратилган нусхаси бўлиб, табаррук ўтмишимизнинг бизга қолдирган жуда катта бойликларидан бири сифатида намоён бўлади. Чолғунинг асл нусхасининг андазаси Темурийлар сулоласи яшаган ва ҳукмронлик қилган вақтларга бориб тақалади. Тарихий манбаларда ёзилишича, мазкур чолғу хонаки базмларда кўпроқ аёллар томонидан чалинган. Миниатюра асарларидағи тасвиirlарда ҳам бу ҳолат ўз ифодасини топган. Чангнинг тарихий манбаларда тасвиirlари борлиги созни

тиклаш борасидаги ишимизда қўл келди. Дастреб чолғунинг асл нусхасига ўхшаган бир неча турлари тайёрланди, аммо уларни ҳозирги куннинг талабларига жавоб берга оладиган садолантириш имкони бўлмади. Соз товушининг паст эшитилиши, торлари тебраниши нуқтаи назаридан олганда катта давраларда ижро этиш имкониятлари етарли эмаслиги, мазкур созимизнинг такомиллашган янги турини ихтиро қилишга ундади. Чолғунинг янги нусхасини тайёрлаш учун тахминий чизма асосида иш бошлар эканмиз, дастреб чолғу тайёрланадиган хом ашёлар танланди, сўнгра макети тайёрланди. 1994 йилнинг октябрь ойларида сознинг косахонаси тайёрланди. Косахонани созга ёпиштириш анча мушкул қўчди. Шунинг учун яна бошқа косахона чизмалари яратилди, охир-оқибатда сознинг ҳозирги кўринишдаги ҳолати бунёд бўлди. Чолғунинг торлари олдинига сунъий толадан тортилди, аммо бу торлар бизнинг талабимизга жавоб бермади. Товушларнинг жарангдорлиги паст бўлди. Шу боисдан кейинчалик темир симлардан фойдаланилди. Натижа яхши бўлиб, товушларнинг жарангдорлиги орта бошлади. Сўнгра замонавий чангдан фарқли равишда айрим торларни ярим тон ёки бир тонгача тушириб ёки кўтарилиб, созланиш мосламалир тайёрланди ва бот-бот синовдан ўтказилди. Конун чолғусида ишлатиладиган бундай мослама чолғучига куй чалинаётган даврда bemalol куйнинг тоналлигини ўзгартириш имкониятларини беради. Бу чолғуда торларни чертиб, тирнаб, маҳсус мослама билан уриб чалиш мумкин. Сознинг 1995 йилда яратилган янги турини миллий ансамбллардан ташқари якка ижрочиликда, шунингдек қўп овозли оркестрларда ҳам bemalol қўллаш имкониятлари туғилди. «Хунаво»нинг бу нусхаси барча иқлимий шароитларда чалинганда ҳам товушларининг ўзгармаслиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

«Мерос» чолғусининг шакл-шамойили Алишер Навоий асарларига чизилган миниатюралардаги тасвирлардан олинган. Хусусан, «Базмда» деб номланган миниатюрада созанда қўлида тасвирланган чолғу биз учун асос бўлди. 1993 йили бу сознинг дастребки чизмаси яратилди. Аммо созни тайёрлаш ишлари 1995 йилдагина бошланди ва шу йилнинг март ойида биринчи ва иккинчи

нусхалари тайёрланиб, синовдан ўтказилди. «Мерос»нинг бошқа созлардан фарқи шуки, торлари остида пардалар йўқ ҳамда мезроб (плектор) билан тирнаб чалинади. Товушининг мунглилиги билан тарихий созлар садосини беради. Унда ҳосил қилинадиган товушларининг ўзига хослиги, салобати ва бошқа созларда такрорланмаслиги боис уни аслан тарихий, шаклан янгимусиқа чолғуси дейишга асос бўла олади. Унда ҳам мақом куйларини, ҳам замонавий бастакорлар асарларини bemalol ижро этиш имкониятлари мавжуд. «Мерос»ни тайёрлаш технологияси ва иш чизмалари тўлалигича ҳозирланган бўлиб, бу хужжатлар Илмий Кенгаш муҳокамасидан ўтказилган. Халқаро Бобур жамғармаси ҳомийлигига ўтказилган иқтидорли ёшлар кўрик-танловида Абдураҳмон Мадраимов «Мерос» чолғуси билан иштирок этиб совриндор бўлди.

### **Мавзу бўйича саволлар:**

1. Ҳозирда эски қадими чолғулардан қайсилари қайта тикланган?
2. Арабларда найда ҳосил қилинадиган товушлар қандай номланади?
3. Шарқ халқларида тоналлик (тональность) нималарнинг номи билан аталиб келади?
4. Корейс миллий оркестри кўповозли мусиқани ижро этадими?
5. Хитой ва Японияда уднинг такомиллаштирилган вариантларини қандай номлашади?
6. Фортепиано чолғусининг пайдо бўлиш ва такомиллашиши босқичларини биласизми?
7. Скрипкасимон чолғулар қайси чолғулардан келиб чиқсан деган тахминлар бор?
8. Гитара чолғусининг ватани қаер ва у қайси чолғудан пайдо бўлган?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ў.Тошматов Чолғушунослик (Олий таълим муасссалалари учун ўқув-қўлланма) Т.: 2006
2. М.Абдукаримов Чолғушунослик (Олий таълим муасссалалари учун ўқув-қўлланма) Насаф нашриёти 2006

3. Р.Абдуллаев Байсун (Традиционная музыкальная культура). Т.: 2006
4. Тошматов Ў., Туратов С. “Кўхна чолғулар ижрочилиги” – Т.: Ўқув қўлланма, 2015.

### **3-Мавзу: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЧОЛҒУ ЖАМОАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РЕПЕРТУАРЛАРИ**

#### **Режа**

1. Европа классик мусиқаси тарғиботида симфоник оркестрларнинг ўрни.
2. Этник чолғулардан ташкил топган ансамбллар ва оркестрларнинг миллий мусиқа тарғиботидаги аҳамияти.
3. Жаҳон халқлари чолғу жамоалари репертуарини ўрганиш, таҳлил қилиш ва таълим тизимида фойдаланиш масалалари.

**Мавзуга оид таянч иборалар:** чолғулар таснифи, халқий (табиий) чолғу, сунъий чолғулар, оркестр, чолғу ансамбли, камер оркестири, камер ансамбли, реконструкция қилинган (қайта ишланган) чолғулар, такомиллаштирилган чолғулар, қайта тикланган чолғулар, чолғу оиласи.

#### **Ушбу мавзуни ёритишда қуйидаги масалалар қамраб олинади:**

Европа классик мусиқасининг тарғиботи билан шуғулланаётган энг илғор симфоник оркестрлар. Шарқ мамлакатларида фаолият кўрсатаётган энг таниқли симфоник оркестрлар ва уларнинг репертуарлари. Германия симфоник оркестрлари. Германияда оркестр чолғучиларини тайёрлаш тизими. Этник чолғулардан ташкил топган ансамбллар. Халқ мусиқасини тарғиб этиш, янги услуг ва жанрларни яратишда этник чолғуларнинг ўрни. Шарқ ва Шимол халқлари мусиқасига қизиқишининг ортишида этник чолғу исамбларнинг роли. Корейс этник чолғулари оркестрида қўлланадиган мусиқа чолғулари ва уларнинг ўзбек миллий чолғуларига ўхшашлиги масалалари. Ўзбек фольклор чолғуларидан замонавий ижрочиликда фойдаланиш тажрибалари. Дунё халқлари чолғу жамоаларининг турлари ва ижро услублари. Дунё халқарининг якканавозлари ва чолғу жамоалари репертуаридан Ўзбекистон мусиқий таълим тизимида фойдаланиш истиқболлари.


#### **ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЭТНИК ЧОЛҒУЛАРИ**



Фиръавн найи (Миср)



Тутак (Тоҷикистон)



Япон найи



Дудук (Арманистон)



Пан флейтаси (Малайзия)



Пижатка (Россия)



Sanay (Хиндистон)



Pung (Германия)



Zummara (Германия)



Rkang-gling (Хитой)



Кугиклы (Россия)



Дуда (Украина)



Daegeum

Dayegeum (Корея)



Danso

Danso (Корея)



Xichiriki (Япония)

Launeddas (Германия)



Каен (Жанубий Шаркий Осиё)





Нортумбия волинкаси



Bullroarer (Австралия)




Dvojnich (Югославия)



Di (Китай)



Sheng (Хитой)



Африка бурғуси



Тритон бурғуси



Algaita (Шарқий Африка)



Valixa (Мадагаскар)



Shofar (Африка)



Zurna (Осиё халқлари)



Ней (Озарбайжон)



Кена (Лотин Америкаси)



Fuyara (Словакия)



Свирель (Россия)



Sepiri (Корея)



Жалейка (Россия)



Kaval (Греция)



Малайзия найи



Таеруеонгсо

Таеруеонгсо (Корея)



Didgeridu (Австралия)



Okarina (Жанубий Ам ерика)



Volinka (Шотландия)



Khulusi (Хитой)



Хитой найи



Хинд барабани



Bak (Корея)



Chuk (Корея)



Bonang (Хитой)



Slit-baraban (Шимолий Америка)



Eo (Корея)



Шаманлар дойраси



Pyeonjong (Корея)



Pyeongyeong

Puyeonguyeong (Korea)



Kichik jingo (Korea)



Jingo (Корея)



Jing (Корея)



Janggu

Janggu (Корея)



Odayko (Япония)



Tabla (Ҳиндистон)



Kalangu (Нигерия)



Atumpan (Гана)



Kastanet (Испания)



Маримба (Ангола, Индонезия)



Angklung (Индонезия)



Balo (Африка)



Darbuka. Dumbek (Осиё халқлари)



Kuge (Европа халқлари)



Gender (Лотин Америкаси)



Kalimba (Африка)



Mbira (Африка)



Чанткүбиз



Варган, хомуз



Покистон чангкүбизи



Вьетнам чангқўбизлари





Баян (Россия)





Arfa Verakrus (Миср)



Yanggeum  
Yerevan




Yanggeum (Корея)



Kantele (Финляндия)



Gayageum (Корея)



Koto (Япония)




Geomungo (Корея)



Гусли (Россия)



Saung-gauk (Бирма)



Krar (Фарбий Африка)



Kora (Африка)



Апалац цимбаласи (Индонезия)



Ukulel (Гавай ороллари)




Ekin (Хитой)



Pipa (Хитой)



Mandolina (Италия)



Vina (Хиндистон)



Charango (Үрта ер деңгизи)




Buzuki (Греция)



Buzuki (Греция)



Setar (Хиндистон)



Апачилар скрипкаси (Америка)



Гудок (Россия)



Қўбизлар (Ўзбекистон)



Skripka Xardanger (Xardingfelle) (Норвегия)



Андалузия ребаби




Lijerika (Хорватия)



Erxu (Хитой)



Ajayeng (Корея)




Ajayeng (Корея)



Кяманча (Озарбайжон)



Xayegeum (Корея)



Igil, Morin khuur (Монголия)



Nikelxarga (Швейцария)



Hurdy Gurdy. Organistrum (Европа халқлари)

### **Мавзу бўйича саволлар:**

1. Дунё халқларининг қайси дамли чолғуларини биласиз?
2. Дунё халқларида тарқалган урма-жарангли торли чолғуларнинг номларини санаб бера оласизми?
3. Дунё халқларининг камонли чолғуларидан қайсиларини биласиз?
4. Кеманча чолғуси қайси ўзбек чолғуси билан ўхшаш?
5. Оркестр жамоаларининг турларини санаб бера оласизми?
6. Камер оркестри (Европада) қандай таркибда бўлиши мумкин?
7. Дамли чолғулар овоз қилиш принципларига кўра неча турга ва қайси турларга бўлинади?
8. Симфоник рок нима?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. В.Беляев Музыкальные инструменты Узбекистана Москва 1933 г
2. Т.С.Вызго Музыкальные инструменты Средней Азии. Музыка. 1980
3. Ал-Фараби. Трактаты о музыке и поэзии Пер.с арабского.— Алматы: Гилим, 1993.

4. Женевьев Дурнон Анъанавий мусиқа ва мусиқа чолғуларини түплаш бўйича қўлланма. Юнеско нашри 2003

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Маъruzадан сўнг режалаштирилган дастлабки икки мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар қуий келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан маҳсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек мусиқа чолғуларидан амалий фойдаланиш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

### **Мавзу: Урма зарбли чолғулар ва улардан ташкил топган чолғу жамоаларининг ютуқлари (2 соат)**

#### **Режа**

1. Урма чолғу якканавозлари ва урма чолғулардан ташкил топган ансамбллар.
2. Урма чолғулардан замонавий мусиқа ижрочилигига фойдаланиш истиқболлари.
3. Урма чолғуларда эришилган ижро техникасидан мусиқий таълим тизимида самарали фойдаланиш масалалари.

### **Мавзу: Дамли чолғулар ва улардан ташкил топган жамоаларининг ижро услубларини ўрганиш (2 соат)**

#### **Режа**

1. Энг илғор дамли чолғу ижрочилари ва дамли чолғулардан ташкил топган энг намунали жамоалар фаолияти ўрганиш.
2. Дамли чолғуларда ижро техникасининг ўсиш босқичлари
3. Замонавий ва анъанавий дамли чолғулардаги эришилган ижро

техникасидан мусиқий таълим тизимида самарали фойдаланиш масалалари.

### **Мавзу: Торли чолғуларда ижро маҳоратининг ўсиши билан боғлиқ масалалар (2 соат)**

#### **Режа**

1. Торли чолғуларда ижро техникаси
2. Торли чолғулардан ташкил топган анъанавий йўналишдаги жамоалар.
3. Камер оркестрларнинг Европа классик мусиқаси тарғиботидаги ўрни.

#### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

##### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- тарихий манбалардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида мавзуни ўрганиш;
- Жаҳон мусиқий таълим тизимида, янгидан ташкил этилаётган чолғу жамоаларида фойдаланилаётган чолғуларни ўзбек чолғулари билан таққослаш асосида хулосалар чиқариш;
- жаҳонда миллий ва этник чолғуларнинг такомиллашиш ёки йўқолиб кетиш сабабларини ўрганиш;
- эълон қилинган танқидий материаллар асосида мустақил қарор қабул қилиш устида ишлаш;
- жаҳонда мусиқа чолғуларининг такомиллашуви ва мусиқа чолғуларида ижрочиликда янгидан пайдо бўлган услубларни таълим тизимига татбиқ этиш жараёнига ўз муносабатини ёзма баён этиш.

## ГЛОССАРИЙ

**Анъанавий чолғулар** – анъанавий мусиқа ижрочилигигіда фойдаланиладиган чолғулар.

**Этник чолғулар** – турли халқларга мансуб мусиқа чолғулари.

**Дамли чолғулар** – ҳаво ёрдамида мусиқа товуши ҳосил қилишга мүлжаланган мосламалар.

**Урма чолғулар** – құл ёки бирор мослама билан уриш ёрдамида мусиқий ритм ҳосил қилишга мүлжаланган (қаттық жисмдан тайёрланган) мосламалар.

**Торли чолғулар** – торни тебратиш орқали мусиқа товуши ҳосил қилишга мүлжалланган мосламалар.

**Тилли дамли чолғулар** – бир ёки икki ёқлама тилни тебратиш орқали мусиқа ҳосил қилинадиган дамли чолғулар.

**Мусиқа чолғуси** – мусиқа ҳосил қилишда фойдаланиладиган барча асбоблар.

**Чолғулар таснифи** – мусиқа чолғуларини муайян услугуда гурухларга бўлиш.

**Халқий (табиий) чолғу** – инсон овози.

**Сунъий чолғулар** – мусиқа ҳосил қилишда фойдаланиладиган инсон томонидан яратилган мосламалар.

**Урма жарангли торли чолғулар** – тортилган торни маҳсус мослама воситасида уриш орқали товуш ҳосил қиласынан мусиқа чолғулари.

**Тирнама чолғулар** – тортилган торларни тирнаш воситасида товуш ҳосил қиласынан мусиқа чолғулари.

**Мезробли (плекторли) чолғулар** – тортилган торларни маҳсус мослама воситасида тирнаш орқали товуш ҳосил қиласынан мусиқа чолғулари.

**Камонли чолғулар** – камон (смычок) ни торга ишқалаш воситаси товуш ҳосил қиласынан мусиқа чолғулари.

**Чолғу жамоаси** – мусиқа чолғулари ижрочиларидан ташкил топган жамоа.

**Оркестр** – мусиқа чолғучиларини бирлаштирган йирик жамоа.

**Чолғу ансамбли** – чолғучилардан ташкил топган кичик жамоа.

**Камер оркестри, камер ансамбли** – ёпік бинода ижро этишга мүлжалланган чолғу жамоалари.

**Фольклор чолғулари** – оддий халқ томонидан тайёрланиб, ўз ҳистайғусини ифодалашга хизмат қиласынан содда мусиқа чолғулари.

**Күхна (қадимий) чолғулар** – узок ўтмишдан бошлаб инсонияттнинг ҳамрохи бўлган (айримлари унутилган ва айримлари шу кунгача истеъмолда бўлган) чолғулар.

**Реконструкция қилинган (қайта ишланган) чолғулар** – маълум бир чолғу асосида янгидан яратилган чолғулар.

**Такомиллаштирилган чолғулар** – муқаддам истеъмолда бўлиб, кейинчалик ижро имкониятлари кенгайтирилган чолғулар.

**Қайта тикланган чолғулар** – муқаддам истеъмолда бўлиб, маълум давр унутилган ва кейинчалик яна қайта тикланган чолғулар.

**Чолғу гурухи** – оркестр ёки ансамбль таркибидаги бир турна мансуб чолғуларни бирлаштирган гурух.

**Чолғу оиласи** – битта чолғу асосида яратилган чолғуларнинг умумий номи (масалан, дуттор оиласи).